

«Хоразм Дори-Дармон» масъулияти чекланган жамияти бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан директор С.Қ.Бобожонов уставга асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан «Урганч 87-май» АЖС бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан бош директори У.Худайберганиев уставга асосан фаолиятини амалга оширувчи куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тuzдилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» «Харидор»нинг талабномаси асосида Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган маҳсулотларни сотади, «Харидор» эса олган товарнинг хакини «Сотувчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг мўлжалланган суммаси \_\_\_\_\_ ҚҚС сиз сўми ташкил қилади (бу суммага транспорт харажатлари кирмайди).

1.3. Шартноманинг мўлжалланган суммаси 6 421 130 (Олтин мишмон тўғрисида юз мишмон бир мишмон бир юз эллис) сўми ҚҚС билан жами сўми ташкил қилади (бу суммага транспорт харажатлари кирмайди).

1.4. Сотилган товарларнинг умумий баҳоси, тури, сони, нархи спецификацияда ва ҳисоб-варакида қайд этилади.

## II. МАХСУЛОТ СИФАТИ

2.1. «Сотувчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 80%дан кам бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмларни сотади. Яроқлилик муддати 80% кам бўлса, «Харидор» билан келишилган ҳолда сотиб олинади.

## III. ЖўНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. «Харидор» гиёҳванд ва психотроп дори воситалари ҳамда прекурсорларни сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун олинган лицензия нусхасини «Сотувчи»га такдим қилиши лозим.

3.2. Сотилган дори воситаларини қайтариш масаласи иккала томон келишган ҳолда амалга оширилади.

3.3. Ушбу шартноманинг 4.1. бандига мувофиқ тўлов амалга оширилгандан сўнг 10 кун муддат ичида товарларни жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иккала томон келишган ҳолда қопланади.

3.4. Товарларни етказиб бериш санаси этиб, тарафлар томонидан ҳисоб варакига қўл қўйилган кун белгиланади.

## IV. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1. Тўлов тартиби олдиндан маҳсулот умумий нархининг 15% шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида тўлаши, қолган 85% суммаси эса тарафлар ўртасида қабул қилиш олиш акти имзоланганидан кейин 7 кун мобайнида амалга оширилади.

4.2. Агарда тўлов, шартноманинг 4.1 бандига асосан амалга оширилмаган тақдирда, «Сотувчи» ушбу шартномани бир тарафлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

4.3. Агарда «Харидор» ушбу шартнома имзолангандан кейин 10 кун ичида маҳсулотни танлаб олишни амалга оширмаса, «Сотувчи» ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, олдиндан тўланган тўлов қийматини 5% ушлаб қолган ҳолда қайтарилиши лозим бўлади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мулкый жавобгардирлар.

5.2. Шартномани 2.1 бандига асосан «Сотувчи» томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда «Сотувчи» сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради.

5.3. Агарда «Харидор» ушбу шартномада кўрсатилган тўлов муддатини кечиктирган тақдирда, ҳар бир тўлов амалга оширилмаган кун учун шартнома суммасининг 0,5% миқдорда, лекин ушбу шартнома умумий суммасининг 50%дан юқори бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.